



## МЕХНАТ БОЗОРНИНГ ХАҚИҚИЙ ҲОЛАТИ: БАҲОЛАШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

*Нажимадинов Равшанбек Душамбоевич -  
ТДИУ катта ўқитувчиси*

[doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a28](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a28)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Тошкент вилояти туманлари бўйича меҳнат бозорининг ҳақиқий ҳолати фраучи индекси орқали баҳоланган. Фраучи индекси меҳнат бозорининг белгиларидан бири бўлиб, шу асосида Тошкент вилояти ҳудудларининг меҳнат бозори ҳолати бўйича гуруҳларга ажратилиб таҳлил қилинган. Шунингдек, меҳнат бозори ҳолатини яхшилаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори, фраучи индекси, аҳоли бандлиги, ишсизлар, бандлар, вакантлар, резюмелар.

## РЫНОК ТРУДА ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

*Нажимадинов Равшанбек Душамбоевич -  
старший преподаватель, Ташкентский  
государственный экономический университет*

**Аннотация.** В данной статье реальное состояние рынка труда в районах Ташкентской области оценивается с помощью индекса Фраучи. Индекс Фраучи – один из показателей рынка труда, на основании которого районы Ташкентской области были разделены на группы по состоянию рынка труда и проанализированы. Также разработаны научные предложения по улучшению ситуации на рынке труда и обеспечению занятости населения.

**Ключевые слова:** рынок труда, индекс Фраучи, занятость населения, безработные, трудоустроенные, вакансии, резюме.

## ASSESSMENT OF THE REAL SITUATION OF THE LABOR MARKET AND WAYS OF ENSURING THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION

*Najimadinov Ravshanbek Dushamboevich  
Senior lecturer, Tashkent State University of Economics*

**Annotation.** In this article, the real state of the labor market in the districts of Tashkent region is evaluated using the Frauchi index. Frauchi index is one of the indicators of the labor market, based on which regions of Tashkent region were divided into groups according to the state of the labor market and analyzed. Also, scientific proposals have been developed to improve the labor market situation and ensure employment of the population.

**Key words:** labor market, frauchi index, population employment, unemployed, employed, vacancies, resumes.

**Кириш.** Бугунги таҳликали шароитда дунёнинг кўплаб мамлакатлари қаторида мамлакатимизда ҳам аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Албатта дунё аҳолиси жумладан, мамлакатимизда аҳолининг юқори ўсиш суръати унинг турмуш тарзига таъсир кўрсатади. Чунки, ҳар қандай давлатда биргина иқтисодий ривожланишнинг ўзи аҳоли турмуш тарзини яхшилашга етарли эмас. Масалан, аҳолини қулай жойлаштириш, экологик тоза озиқ-овқат билан ҳамда ижтимоий ва тиббий хизматлар тўлиқ қамровини таъминлаш кабилар шулар жумласидан.

Шу боисдан ҳам глобал, минтақавий ва миллий миқёсда аҳоли сони тенденцияларини баҳолаш, демографик маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш асосида асосий демографик истиқболларни белгилаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Демографик маълумотларни тўплашда келажакдаги тадқиқотлар учун асос яратади. Инклюзив демографик маълумотларни тўплаш нафақат инклюзив омиллар, балки ушбу омилларни қандай бошқариш масаласи ҳам муҳимдир [1].

Бундай интеграция муайян ижтимоий-иқтисодий омиллар ва турмуш тарзига тааллуқли чора-тадбирларни илгари суришга ҳисса қўшиши мумкин ва метаболизмни ўзгартиришга ҳамд ушбу муҳим тадқиқот усулидан барқарорликни ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланишга ёрдам бериши мумкин [2].

К.А.Натнер ва D.Mayer-Foulkes фикрича, юқори даражада даромад ва инсон тараққиёти – паст туғилиш ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Бу мутаносибликнинг ижобий томонлари 1980-2007 йилларда кузатилган [3].

Шу боис, ахборот максимал даражада ҳаққоний ҳамда меҳнат бозорида тадқиқотлар ўтказиш учун етарлича тўлиқ бўлиши, унда содир бўлаётган жараёнларни жамланган ҳолда акс

этириши, у нафақат ишчи кучи бозорининг аҳволини таърифлаши, балки тадқиқ этилаётган жараёнларни прогнозлаш учун замин бўлиб, меҳнат бозори соҳасидаги аҳволни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида содир бўладиган ўзгаришларни мустақамлаши лозим [4].

Нуро Ёе ва бошқаларнинг фикрича эса барқарор ривожланиш тамойиллари иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларни қамраб олади. Яъни, иқтисодий тизимлар ва ижтимоий тузилмалар ривожланиши ижобий демографик ўзгаришларга олиб келади [5].

Danzera, Robert Grundkelar ривожланаётган мамлакатлар ишчиларининг иш ҳақини жаҳон бозори нархлари орқали ўтказишни баҳолашда маҳаллий меҳнат бозорларида рақобатбардош тузилмаларни ҳисобга олиш бўйича тадқиқотлар олиб бордилар [7].

Ege Aksua, Refik Erzanb, Murat Güray, Kırdarlar меҳнат бозоридаги энг заиф гуруҳларга салбий таъсир кўрсатиш ва истеъмол нархларининг ўсиши бўйича ўз тадқиқотларини ўтказдилар, бу эса ушбу маҳаллий гуруҳлар орасида қашшоқликнинг ошиши мумкинлигини англади [8].

Проф. Н.Қ.Йўлдошев меҳнат муносабатларида меҳнат натижаларини мулкдорлар ва ишловчилар, меҳнат жамоалари аъзолари ўртасида тақсимланиши бўйича ўрганиб чиққан [9].

Проф. Ш.Р.Холмўминов меҳнат бозорида меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган, банд бўлмаган қисмлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи контрактлар (меҳнат келишувлари) асосида «меҳнатга қобилиятлиларини» харид қилиш – сотишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспекти, ўсувчи ва очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимча сифатида кенг талқин этган [10].

Фикримизча, қишлоқ меҳнат бозори қишлоқ жойларида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рақобатни тартибга солувчи очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимдир. Қишлоқ жойларидаги меҳнат бозоридаги муносабатларнинг асосий субъектлари ёлловчилар ва ёлланма ишчилар бўлиб, бу жараёнда, шунингдек ишчи кучига бўлган талабни тартибга солиб турувчи субъектлар ҳам иштирок этади. Бу муносабатларда иш берувчи ёки ёлловчи сифатида давлат ҳам, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи бошқа ҳуқуқий шахслар ҳам иштирок этиши мумкин [11]. Демак, иқтисодий ўсишга эришиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун аҳоли турмуш даражасини яхшилаш муҳим

омил ҳисобланади. Ўз навбатида яхши турмуш даражасига эга бўлган аҳолида тараққиётга интилиш юқори бўлади.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу тадқиқотда жадвал, қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш, мантиқий фиклаш, аналитик таққослаш, динамик қаторлар, иқтисодий-математик усуллар, эконометрик моделлар, усуллар кенг қўлланилган. Шунингдек, мазкур мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари таҳлил қилинган. Таҳлилларда халқаро ва маҳаллий расмий статистик маълумотлардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Меҳнат бозорини ташкил этиш ва ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ҳамда унинг ҳаёти фаровонлигининг доимий яхшиланишини таъминлаш, турли қатламларнинг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, инсонларга муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳисобланади [6]. Шунингдек, фаол меҳнат бозори сиёсати - соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти, аввало, ушбу ўзгаришлар марказида турган инсон, унинг шахси ва камолотига қаратилган.

Жаҳон амалиётида меҳнат бозорининг ҳақиқий ҳолати фраучи индекси орқали баҳоланади. Фраучи индекси меҳнат бозорининг белгиларидан бири бўлиб, иш ўринлари сонининг ишлаш учун мурожаат қилганлар (резюмелар) сонига нисбати билан ифодаланади.

$$F_i = \frac{v_s}{w_a} \quad (1)$$

бу ерда:

$F_i$  – фраучи индекси;

$v_s$  – бўш иш ўринлари (вакантлар) сони;

$w_a$  – ишлаш учун мурожаат қилганлар (резюмелар) сони.

Фраучи индекси қанчалик юқори бўлса, меҳнат бозоридаги вазият шунчалик “соғлом” бўлиб, иш топиш осон бўлади. Яъни, кўпроқ бўш иш ўринлари ва камроқ рақобат кузатилади.

Индекс қанчалик паст бўлса, меҳнат бозоридаги вазият шунчалик ёмонлашади, яъни, мавжуд иш жойлари камроқ ва иш топмоқчи бўлганлар кўпроқ бўлади.

Фраучи индексини бутун мамлакат учун эмас, балки муайян ҳудудлардаги муайян касблар бўйича фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Одатда фраучи индекси бир касбни бошқа касб билан таққослашда қўлланилади. Бундай таққослаш муайян касбга бўлган ҳақиқий талаб даражасини кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тошкент вилояти ҳудудлари бўйича меҳнат бозорининг ҳақиқий ҳолати фраучи индекси орқали баҳоланди (1-жадвал).

Тошкент вилояти ҳудудлари бўйича меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари  
(2022 йил бўйича)

Ҳудуд	Ўртача доимий аҳоли сони	Жами меҳнат ресурслари	Ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар	Резюмелар	Бўш иш ўринлари сони	Фраучи индекси
Тошкент вил.	2 966 168	1 616 346	116 849	89 586	37 059	0,4
Ангрен ш.	176 460	88443	6 290	4 793	1 948	0,4
Олмалиқ ш.	136 831	90798	6 148	3 766	1 958	0,5
Бекобод ш.	101 000	55981	3 962	3 868	663	0,2
Чирчиқ ш.	166 402	98763	6 351	3 159	4 533	1,4
Янгийўл ш.	80 888	33989	2 372	2 155	1 027	0,5
Нурафшон ш.	53 429	40117	2 971	3 359	2 212	0,7
Оҳангарон ш.	40 366	23392	1 750	2 042	769	0,4
Оҳангарон	108 095	50922	3 832	3 467	1 062	0,3
Оққўрғон	109 233	58701	4 495	7 496	932	0,1
Бекобод	161 736	81283	5 954	9 262	924	0,1
Бўстонлиқ	174 004	93754	7 074	2 930	1 488	0,5
Бўка	131 374	67868	5 161	6 253	1 097	0,2
Қибрай	172 595	105457	7 234	3 527	3 375	1,0
Зангиота	167 302	100179	7 280	2 316	2 482	1,1
Паркент	173 670	85234	6 237	4 604	1 428	0,3
Пискент	104 314	54269	4 217	3 262	802	0,2
Чиноз	140 922	70659	5 178	5 086	1 489	0,3
Қуйичирчиқ	113 051	60686	4 615	4 099	959	0,2
Ўртачирчиқ	133 972	76266	5 437	3 125	1 739	0,6
Юқоричирчиқ	135 925	69697	5 126	3 846	1 828	0,5
Янгийўл	194 357	112735	8 136	3 731	2 338	0,6
Тошкент	190 242	97153	7 029	3 440	2 006	0,6

*Манба:* Тошкент вилояти бандликка қўмаклашиш маркази маълумотлари.

Таҳлилларга кўра, 2022 йил бўйича вилоятда ўртача доимий аҳоли қарийб 3 млн. нафар кишини ташкил этиб, меҳнат ресурслари 1,6 млн. нафардан ортиқ бўлса, ишга жойлаштиришга муҳтожлар сони 116,8 минг нафарни ташкил этади. Шундан ишлаш учун мурожаат қилганлар (резюмелар) сони 89,6 минг нафарни ва бўш иш ўринлари сони 37,2 минг тани ташкил этади.

Ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент вилояти меҳнат бозори бўйича фраучи индекси 0,4 га тенг. Яъни, вилоятда ҳар 5 нафар ишлаш учун мурожаат қилганлар (резюмелар)га 2 та бўш иш ўринлари тўғри келади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, меҳнат бозорининг ҳақиқий ҳолати фраучи индекси бўйича салбий баҳоланди. Бошқача айтганда мавжуд бўш иш жойлари кам ва иш излаб мурожаат қилганлар сони кўп.

Аммо, вилоят ҳудудлари меҳнат бозорлари бўйича фраучи индексининг вариацион кенглиги 1,3 га тенг бўлиб,  $X_{\min} = 0,1$  ва  $X_{\max} = 1,4$  га тенг. Жумладан, фраучи индекси 1 дан юқори бўлган туманларга Чирчиқ шаҳри (1,4), Зангиота (1,1) ва Қибрай (1,0) туманлари тўғри келган бўлса, паст кўрсаткичга эга туманларга Оққўрғон (0,1), Бекобод (0,1), Бекобод шаҳри

(0,2), Бўка (0,2), Пискент (0,2), Қуйичирчиқ (0,2), Оҳангарон (0,3), Паркент (0,3) ва Чиноз (0,3) туманлари ҳамда Ангрен (0,4) ва Оҳангарон (0,4) шаҳарлари ҳиссасига тўғри келмоқда (1-расм).

Вилоят ҳудудлари меҳнат бозорлари бўйича фраучи индексининг вариацион кенглигидан келиб чиқиб, ҳудудларни меҳнат бозорларининг ҳолати бўйича шартли равишда уч гуруҳга бўлиб мумкин. Хусусан:

**1-гуруҳ.** Меҳнат бозори ҳолати яхши, яъни ҳар 1 нафар ишлаш учун мурожаат қилган (резюме)га 1 та ва ундан ортиқ бўш иш ўринлари тўғри келади


$$(F_i \geq 1);$$

**2-гуруҳ.** Меҳнат бозори ҳолати ўртача, яъни ҳар 2 нафар ишлаш учун мурожаат қилганлар (резюмелар)га 1 та бўш иш ўринлари тўғри келади

$$(0,5 \leq F_i < 1);$$

**3-гуруҳ.** Меҳнат бозори ҳолати ёмон, яъни ҳар 3-10 нафар ишлаш учун мурожаат қилганлар (резюмелар)га 1 та бўш иш ўринлари тўғри келади

$$(F_i < 0,5).$$



**1-расм. Тошкент вилояти ҳудудлари меҳнат бозорлари бўйича фраучи индекси (2022 йил бўйича)**

*Манба:* Тошкент вилояти бандликка қўмаклашиш маркази маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, вилоят ҳудудлари меҳнат бозорларидаги ҳолат бўйича шартли равишда биринчи гуруҳга Чирчиқ шаҳри ҳамда Зангиота ва Қибрай туманларини, иккинчи гуруҳга – Олмалиқ, Янгийўл ва Нурафшон шаҳарлари ҳамда Бўстонлик, Юқори-

чирчиқ, Ўртачирчиқ ва Янгийўл, Тошкент туманларини, учинчи гуруҳга – Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Пискент, Қуйичирчиқ, Оҳангарон, Паркент, Чиноз туманлари ҳамда Бекобод, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларини киритиш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Тошкент вилояти ҳудудларининг меҳнат бозори ҳолати бўйича гуруҳланиши**

Биринчи гуруҳ (меҳнат бозори ҳолати яхши) $F_i \geq 1$	Иккинчи гуруҳ (меҳнат бозори ҳолати ўртача) $0,5 \leq F_i < 1$	Учинчи гуруҳ (меҳнат бозори ҳолати ёмон) $F_i < 0,5$
Чирчиқ шаҳри, Зангиота ва Қибрай туманлари	Олмалиқ, Янгийўл ва Нурафшон шаҳарлари ҳамда Бўстонлик, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Янгийўл, Тошкент туманлари	Бекобод, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари ҳамда Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Пискент, Қуйичирчиқ, Оҳангарон, Паркент, Чиноз туманлари

*Манба:* муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

**Хулоса ва таклифлар.** Меҳнат бозорини шакллантириш, уни янада ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини барқарорлаштиришни таъминлашда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратиш лозим:

- демографик ўзгаришларга паралел равишда иш ўринларини яратиш, айниқса ўрта ва ўрта махсус маълумотли аҳоли учун иш ўринларини кўпайтириш лозим;
- меҳнат бозориди талаб юқори бўлган анъанавий ва замонавий касбларга қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш лозим;
- иш билан бандликнинг ностандарт шакллари татбиқ этиш керак;

- меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишнинг самарали механизмини татбиқ этиш керак;

- ишсизлик суғуртаси тизимини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, фаол меҳнат бозори сиёсати - соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти, аввало, ушбу ўзгаришлар марказида турган инсон, унинг шахси ва камолотига қаратилган. Шу боис, фуқаролар фаровонлигини ошириш, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш, президентимиз илгари сурган “Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш учун” деган тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.



*Манба ва фойдаланилган адабиётлар:*

1. Rupinski K., Berger S., Klooster B., Moreno-Koehler A., Ibrahim N., Dickie G. PCR119 Who We Are Matters: Inclusive Demographic Data Collection in Patient-Centered Outcomes Research // *Value in Health*. Volume 25, Issue 12, Supplement, December 2022, Page S413
2. Meidad Kissinger, Yuval Damari. Household metabolism: Integrating socio-economic characteristics and lifestyles on individual and national scales as a mean for advancing environmental management // *Journal of Environmental Management*. Volume 279, 1 February 2021, 111526
3. Умарова М.А. Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорини статистик прогностлашнинг услубий асослари. -Т.: Инновацион ривожланиш нашриёти, 2019. - 22 б.
4. Hafner K.A., Mayer-Foulkes D. Fertility, economic growth, and human development causal determinants of the developed lifestyle // *Journal of Macroeconomics*. Volume 38, Part A, December 2013, Pages 107-120
5. Huo Jie and et. Sustainable energy policy, socio-economic development, and ecological footprint: The economic significance of natural resources, population growth, and industrial development // *Utilities Policy*. Volume 81, April 2023, 101490
6. Касимов А.А. Меҳнат бозорининг ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўллари. // *Journal of marketing, business and management*. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 21-28.
7. Alexander M.Danzera, Robert Grundke. Export price shocks and rural labor markets: The role of labor market distortions // *Journal of Development Economics* Volume 145, June 2020, 102464. <https://doi.org/10.1016/j.jdevec.2020.102464>
8. Ege Aksua, Refik Erzanb, Murat Güray, Kırdar The impact of mass migration of Syrians on the Turkish labor market, *Labour Economics*, Volume 76, June 2022, 102183
9. Йўлдошев Н.Қ. Замоновий менежер қандай бўлиши керак? // *Халқ сўзи газетаси* 2021 йил 15 декабрь
10. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобоназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х., Саидов Н.Р. Қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари (монография). – Т.: “Инновацион ривожланиш” нашриёт-матбаа уйи, 2020, 278 бет.
11. Najimadinov R.D. Responsibility of demographic changes in uzbekistan for labor market management/ *American Journal of Interdisciplinary Research and Development* ISSN Online: 2771-8948 Website: [www.ajird.journalspark.org](http://www.ajird.journalspark.org) Volume 08, Sep., 2022
12. <https://www.toshvilstat.uz>



**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Нигмаджанов Учкун Холметович -**  
“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот  
университети профессори, и.ф.д.

[doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a29](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a29)

**Аннотация.** Мақолада инсон капиталини ривожлантириш концепциясининг асосий қоидалари ёритиб берилган, шунингдек, билим турлари, категорияларининг шаклланиши ва ривожланишининг қисқача тарихи баён этилган. Бунда Россия ва мамлакатимиз олимлари томонидан ушбу концепциянинг ривожланиши таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистонда давлатнинг инсон капиталини ошириш борасидаги амалий ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф учта янги тамойил асосида инсон капитали категориясига ва унинг тузилиши ҳақида ўз таърифини берган.

**Калит сўзлар:** инсон капитали, ишчи кучи, меҳнат ресурслари, инсон ресурслари, жами ишчи кучи, даромад, ижтимоий қониқиш, билим турлари, қобилият ва мотивация, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш.

**ОСОБЕННОСТИ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА  
В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ**

**Нигмаджанов Учкун Холметович -**  
д.э.н, профессор Национальный исследовательский университет  
“Ташкентский институт инженеров ирригации  
и механизации сельского хозяйства”

**Аннотация.** В статье раскрыты основные положения концепции развития человеческого капитала, изложены виды знаний, краткая история становления и развития этой категории. Проведен анализ развития данного понятия учеными России и нашей страны. Особое внимание обращено практическим действиям государства по росту человеческого капитала в период нового Узбекистана. Обоснована третья сторона способностей человека к инвестициям, лежащая в основе авторского определения данной категории и его структуры, с учетом особенностей менталитета народа и целей страны.

**Ключевые слова:** человеческий капитал, виды знаний, виды способностей человека мотивация, рабочая сила, трудовые ресурсы, человеческие ресурсы, совокупная рабочая сила, рост заработков, социальная удовлетворенность, богатство страны, расширенное производство.